

ОИЛАДА СОДИР ЕТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШННГ ЖАМИЯТ ХАЁТИ УЧУН МУҲИМЛИГИ.

Абдусаломов Жавоҳир Ўтқиржон Ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-босқич курсанти

Оила- бу эр-хотин, ота-оналар, фарзандлар, фарзандликка олинган шахсларнинг ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, ҳамжихатлик асосида жамоа бўлиб яшочи шахслар иттифоқидир.

Оила ҳуқуқи –ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, у оила аъзолари яни ер-хотин, ота-оналар, фарзандлар, фарзандликка олинганлар, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар, васийлар ва хомийлар ўртасидаги оммавий муносабатларни тартибга солади

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлади, миллий қадириятларни ривожланишини таъминлайди, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Оила аъзолари бир-бири билан умумий турмуш, ўзаро иқтисодий-мулкий, ҳуқуқий, аҳлоқий, руҳий алоқалар билан боғланади. Оилананг биринчи вазифаси ўз насил наسابини давом еттиришдан, оқил ва оқилона фарзандларни тарбиялашдан, оила аъзоларнинг тирикчилигини, бў вақтини кўнгиллий ўтказишни таъминлашдан, иборат.

Оилада муҳит қандай бўлса бевосита оила аъзоларга тасир қиласи ва фарзандлар тарбиясида ўз таъсирини кўрсатади. Оилада салбий муҳитнинг мавжудлиги ёш фарзандлар майда ҳуқуқбузарликка қўл уриб, кейинчалик оила аъзоларнинг беътиборлиги натижасида жиноят оламига қадам қўймоқдалар. Бу борада маҳалла таянчи бўлган ИИО лариниг профилактика инспекторлари енг авалло носоғлом оилани аниқлаши ва улар билан димий профилактик ишларни ташкил етиб бориши муҳум саналади. Профилактика инспектори оилалар билан профилактик ишларни ташкил етиш борасида маълум даражада камчиликлар хам маъвжуд бўлиб, ўз вазифаларини амалга оширишда сускашликка йўл қўйиб, хизмат вазифаларига беътибор ёндашаётган ҳодимларни ҳам учратиб турибмиз. Оилалар тинч-тотув яшаса, жамиятнинг ютуқлари хам кўпаяди, фарзандлар яхши тарбия олади. Оилага ғамхўрлик қилиш ва унга ҳар тарафлама моддий ва маънавий ёрдам бериш, инсонпарвар демокиратик давлатнинг муҳум вазифаларидан бири ҳисобланади.

Оила авлодлар давомийлиги ҳамда қадирятлар, урф-одатлар ва анъаналярни, қолаверса, бутун бир халқ маъданий-манавий меросинининг авлоддан-авлдга ўтишини таъминловчи омилдир. Оиланинг мустаҳкамлиги жамият тараққиётининг гаровидир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани хаётимиз таянчи ва суюнчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жудда катта маъно-моҳият мұжассам. Чунки оила соғлом екан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам өкан - мамлакат барқарор” деган буюк сўзларн таъкидлаб ўтганлар.

Профилактика инспекторлари оиласар билан профилактик ишларни ташкил ётиш давомида махалла нуронийлари, махалла фаоллари билан ва бошқа давлат оргони, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликка катта ётибор бериши лозим ҳисобланади. Чунки улар аъзолигида тарғибот ишларини ташкил ётиш ўз самарасини кўпроқ даражада беради. Аммо хозирги кунда профилактика инспекторлари оила ичидаги содир ётилаётга турли хил салбий холатлар оиласи парокандаликка олиб келади. Бола тарбияси, уни ўсиб ўлғайиши ҳам оиласада бошланганлиги сабабли “Оила жамиятининг бўғинидир” деб ҳам аталади. Маълумки, оила аъзолардаги иштирокчиларга қарши зўрлик ишлатиб содир ётиладиган жиноятлар виктимлигининг ижтимоий майший сабаблари кўп ҳолларда оиласавий муносабатлар билан боғлиқдир. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ва жамият таъсирини ўзида ифода етади. Оила криминалогияси ва викитималогиясида оила ичидаги содир ётилаётган жиноятлар ва ушбу жиноятларни содир ётишда виктим хулқни ролини ўрганиш бугунги куннинг долзарб муаммолардан биридир. Оила доирасида содир ётилаётган жиниятларга оиласининг ичидаги бир аъзоси томонидан иккинчи аъзосига нисбатан қилинадиган жиноятлар киради. Профилактика инспектори томонидан оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

□ оила-турмуш муносабатлари доирасидаги низолардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш, уларни ҳуқуқбузарликтарнинг қурбо-нига айланиш хавфининг мавжудлиги, ушбу ҳуқуқбузарликлар шу жумладан, жиноятларнинг сабаб ва шароитлари, уларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор

қилади, уларни огохдикка, ғайриижтимоий хулқ-атвор, турмуш тарзидан қайтаришга ҳушёрликка чақиради;

□ аҳолига, айниқса ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила аъзоларига оила-турмуш муносабатларида вужудга келадиган низо ва келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш йўлларини ўргатади;

□ оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади ҳамда улар билан якка тартибдаги виктимологик профилактик ишарни олиб боради;

□ маъмурий ҳудудда яшовчи фуқароларнинг оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаб шароитларини аникдайди ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради;

□ аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар ва бу соҳа-даги ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериб боради, бу борада уларни огохлик, ҳушёрликка, ғайриижтимоий хулқ-атвордан қайтаришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этади;

□ оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар қурбони бўлган шахсларга тиббий, маънавий-руҳий ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш чораларини кўради.

Оилавий низоларда кимларнинг иштирок этишига кўра уларни қуидаги турларга ажратиш мумкин:

- эр-хотин ўртасидаги низолар;
- қайнона кэлин ўртасидаги низолар;
- қайнона-куйов ўртасидаги низолар;
- овсинлар ўртасидаги низолар;
- ота-оналарва фарзандлар ўртасидаги низолар;

Оиладаги низоларни вужудга келтирувчи омиллар турлича бўлиб, бу жараён барча оилаларда муқаррар равишда ўзига хос тарзда кечади. Бундайларга мунтазам равишда дағдағалар қилиш, ҳақоратлаш, номақбул лақаблар билан чақириш ва оғзаки зўравонликнинг бошқа кўринишлари, шунингдек, ерга уриш, яккалатиш кабилар сабаб бўлади. Оила аъзолари ўртасида юзага келадиган ёки юзага келиш эҳтимоли бўлган низо ва жанжалларнинг сабабларини билиш учун,

ушбу жанжаллар асосан кимлар ўртасида содир этилаётганлигини аниқлаб олиш лозим. Мазкур соҳда ўтказилган тадқиқотлар жараёнида оила-турмуш доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ўрганилганида, 16,4 фоиз оиласида эркакнинг спиртли ичимликка ружу қўйганлиги, 14,8 фоиз эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик, 9,3 фоиз оила аъзоларининг бурч ва вазифаларини бажармаслиги, 13,1 фоиз оиласида модций етишмовчилик ва қийинчилик, 10,7 фоиз оила аъзоларининг бир-бирини ҳурмат қилмаслиги, 13,6 фоиз эрнинг хиёнаткорлиги, 16,2 фоиз оиласида аёлнинг ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилиши, 5,9 фоиз ҳолатда эса қайнона ва келин ўртасидага низо ва келишмовчиликлар сабаб бўлган. Сўнги уч йил ичida мамлакатимизнинг қонунчилик тизимида бир қатор ўзгартиш ва жамиятнинг бир қанча ижтимоий соҳаларини қамраб олган янги таҳрирдаги норматив ҳуқуқий-хужжатлар қабул қилинди. Ҳусусан профилактика инспекторининг оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил етишда «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишлари орқали маскур фаолиятни амалга оширади ва бу профилактика инспекторига оиласида содир етиладиган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни олдини олишда ўзини самарасини беради.